



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги.

№ 5343-6464-4bb3-51bf-c411-1433-0677
Хужжат яратилинган сана: 2023-04-28
Ариза рақами: 75062912

Хужжат берилган: "FUTURE UNIVERSE DEVELOPMENT"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
СТІР: 308284868

АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИ

28.04.2023 16:51 й.
1726-1726280-65746 -сон

Лойиҳавий бино (иншоот) тури:	Ўз ер участкасида "Пастки қаватларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти бўлган, кўп квартирали турар уй - жой биноси" ни қуриш.
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:	Олмазор тумани, Мискин МФЙ, Кичик халқа автомобиль йўли кўчаси, 5а - уй манзилида.
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:	"FUTURE UNIVERSE DEVELOPMENT" масъулияти чекланган жамияти.

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Қурилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси, 14 - уй.

#	Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари	Қисмларнинг мазмуни
1	Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар	- Олмазор тумани қурилиш бўлимининг 2023 йил, 17 - мартдаги 1726280-99165 - сонли рухсатномаси. - Олмазор туман Давлат хизматлари марказининг "FUTURE UNIVERSE DEVELOPMENT" масъулияти чекланган жамиятига тегишли 20 - апрель, 2023- йилдаги 75062912 - рақамли аризасига асосланиб, рўйхатга олинган электрон буюртмаси. - Тошкент шаҳар Қурилиш Бош бошқармаси ҳузуридаги, ҳудудий архитектура - шаҳарсозлик кенгаши йиғилишининг 2023 йил, 24 - февралдаги 02-11 - сонли Баёни. Тақдим қилинган техник шартлар.

2	Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тутган ўрни	- Шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида объект турар - жой ва жамоат бинолари мавжуд бўлган ҳудудда жойлашган, ҳамда муҳандислик тармоқлари билан таъминланган.
3	Лойиҳалаштириладиган объект ҳудудининг табиий-иқлим кўрсаткичлари	- Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган ер майдони IV Б иқлим (климат) ҳудудида жойлашган. Хаво ҳарорати: - Ўртача йиллик 25,1° С. - Баланс ҳарорат 40° С. - Паст ҳарорат -14° С.
4	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги	- Объект геологик ва топографик жиҳатидан ўрганилган ҳудудда жойлашган. - Объектнинг чегаралари 1:2000 нисбатдаги топохарида тахминий кўрсатилган бўлиб, 1:500 нисбатдаги топохарида лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқувчи ташкилот ва туман Қурилиш бўлими бошлиғи (Бош архитектори) томонидан чегараларига аниқлик киритилсин.
5	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга туташ объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот	- Объект Кичик халқа автомобиль йўли кўчаси, 5а - уй манзилда, Қичқириқ канали бўйида жойлашган бўлиб, объект биноси қуйидагича чегаралаган; - Шимол томондан - Кўп қаватли турар - жой бинолари билан чегараланган. - Жануб томондан - Қичқириқ канали билан чегараланган. - Шарқ томондан - Қичқириқ канали билан чегараланган. - Ғарб томондан - Кўп қаватли турар - жой бинолари билан чегараланган.
6	«Қизил чизиқлар ва белгилар»	- Ер майдонининг тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, қурилиш чизиқларига ва кўчаларнинг қизил чизиғига амал қилган ҳолда, лойиҳа ишлари олиб борилиши таъминлансин.

7	Архитектура талаблари	- Ўз ер участкасида \"Пастки қаватларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти бўлган, кўп квартирали турар уй - жой биноси\" ни қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ШНҚ 2.07.01-03* шаҳарсозлик , ШНҚ 2.08.01-19 (янги) турар- жой, ШНҚ 4.13.41-06 савдо, ШНҚ 4.13.31-06 маиший хизмат кўрсатиш бинолари нормалари ва қоидаларидаги шартлари бажарилсин. - Архитектура - шаҳарсозлик кенгашининг 2023 йил, 24 - февралдаги 02-11-сонли йиғилиш баёнининг 8 - бандига асосан, \"ТошкентбошпланЛИТИ\" ДУК нинг кўп квартирали турар уй - жой биносини жойлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги ижобий хулосаси шунингдек, Тошкент шаҳар Давлат санитария ва эпидимиология осойишталик маркази, Тошкент шаҳар экология ва атроф- мухитни муҳофаза қилиш бошқармалари томонидан ижобий хулосалар олиш, ёндош жойлашган турар ва нотурар объектлар билан оралиқ масофаларни сақлаш, Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси томонидан хулоса олиш, ҳамда объектни ташқи муҳандислик коммуникация тармоқларига (эҳтиёжга кўра электр, газ, сув таъминоти ва оқава сув тармоқлари) уланиш тўғрисида техник шартларни олиш талаблари бажарилсин. Лойиҳалаштирилаётган объект ҳудудининг жануб томонидан \"Қичқирқ\" канали оқиб ўтиши муносабати билан лойиҳа ишларида каналнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш, санитария йўлагини асраш, атрофини ободонлаштириш ишлари инobatга олинсин. - Объект биносини қуриш бўйича лойиҳалашда объект биноси мавжуд бинолардан экология, санитария, фавқулотда вазиятлар ва ёнғиндан сақлаш нормалари асосида оралиқ сақланиши инobatга олинсин. - Объектнинг таркиби, ҳудудда жойлашуви ва ҳажми лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида тасдиқланган ва келишилган «Лойиҳа топшириқлари» асосида белгилансин. - Кўп квартирали турар - жой биносининг ташқи кўриниши, кириш - чиқишлар ва цокол қисмида замонавий элементлардан фойдаланилсин. - Кўп квартирали турар-жой биносини лойиҳа ишлари «Ёнғиндан сақлаш» тадбирлари асосида олиб борилсин. - Объект ҳудудига автомашиналарни кириши ва чиқишлари йўл ҳаракати хавфсизлиги нормалари асосида лойиҳалаштирилсин. - Объект кўринишидаги дераза эшиклар, кириш чиқишлар, майда меъморий элементлар, парапед ва цокол қисмида бериладиган рангларга эътибор қаратилсин. - Лойиҳалаш жараёнида «Энергия самарадорлиги»ни (қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатиш) қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш тавсия этилади. - Лойиҳа ҳужжатларида ташқи кузатув воситаларини жойлаштириш лозим. - Лойиҳа ташкилоти, Архитектура Режалаштириш Топшириқларига, буюртмачи томонидан тасдиқланган ва келишилган «Лойиҳа топшириқларига» ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин. - Объектнинг бош режасини тузишда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан «Қурилиш қоидалари ва меъёрлари талаблари асосида атрофдаги бинолардан меъёрий оралиқни сақлаган, ҳамда қурилиш чизиқларига амал қилган ҳолда умумий ер майдонидан «ҳудудий фойдаланиш баланслари» инobatга олинган яъни қурилиш ўрни, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ўрни, болалар майдончаси, қариялар дам олиш жойлари, маиший чиқинди яшиклари ўрнатиш жойи, шу билан бирга автомобилларни сақлаш жойлари фойиз ҳисобида ҳисоблаб чиқилган, 1:500 нисбатдаги топохаритада бош тарх (плани) ишлаб чиқилсин.
---	-----------------------	--

8	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар	-Ер майдонида бузиладиган бино ва иншоотлар лойиҳа асосида аниқлансин.
9	Объектни босқичма-босқич қуриш	- Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиш икки босқичдан, қурилиш (реконструкция қилиш) ишлари бир босқичдан иборат.
10	Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	- Лойиҳа ҳужжатларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида объект атрофида игна баргли, манзарали дарахтлар ва мавсумий кўркамлик даражаси бор бўлган кўчат ва гуллар ўтказилиши инobatга олинсин. - Кўкаламзорлаштириш ҳудудларини кўк чимлар билан қоплашга, ландшафт архитектурасига эътибор берган ҳолда экилган дарахтларга шакл берилсин. - Йўлакларни шакл берилган бетонли ғиштлар (брусчатка) билан қоплаш, йўл четларига бардюлар ётқириш лозим. -Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил, 30-ноябрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон атроф муҳитни сақлаш концепцияси»га асосан, ҳамда Мараторийдан келиб чиқиб кўп йиллик дарахтлар сақлаб қолиниши шарт.
11	Санитария-гигиена талаблари	- Санитария гигиена талаблари (ШНҚ) 2.07.01-03 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда(СҚ ва М) 0350-17. (СанП иН) га асосан лойиҳалаштирилсин.
12	Ёнғиндан сақланиш талаблари	- Ёнғиндан сақланиш талаблари (ШНҚ) 2.01.02-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин.
13	Экология талаблари	- Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига, асосан барча экологик меъёрларга амал қилиш инobatга олинсин ҳамда санитария гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш молларидан фойдаланилсин.
14	Лойиҳани келишиш	- Шаҳарсозлик ҳужжатларини, лойиҳалаш ташкилоти томонидан, Бош бошқарма қошидаги «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгашига» ўрнатилган қуйидаги тартибда тақдим этилиши керак. - Объект жойлашган ҳудуднинг чегаралари ва қизил чизиқлари туширилган 1:500 нисбатдаги топохарида ҳудуднинг бош режаси. - Лойиҳада объектнинг шаҳар ҳудудидаги ўрни (ситуационний план). - Бинонинг тарз ва ён кўринишлари. -Бино ва иншоотларнинг тархи, қирқимлари ва хоналар экспликацияси. -Объектнинг ҳолати ва мавжуд бино ва иншоотлар билан боғлиқлиги (развёртка фасадов) ва фотосуратлар -Перспектива. Лойиҳа ҳужжатлари қуйидаги шаҳар мутасадди идоралари билан келишилади; - \"ТошкентбошпланЛИТИ\" ДУК. - Тошкент шаҳар санитарияэпидемиологиялогик осойишталик ва жамоат саломатлиги маркази. - Шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси. - Фавқулотда вазиятлар бошқармаси. - Шаҳар экология ва атроф - муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси. - Шаҳар ногиронлар жамияти. Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси. -Лойиҳа ҳужжатлари «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши» нинг ижобий ҳулосасидан сўнг, экспертиза бошқармасига тақдим этилсин. - Келишиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларининг электрон кўринишдаги эскиз лойиҳаси илова қилинади. Илова қилинадиган ҳужжатлар PDF ёки JPEG форматда бўлиши керак.


15	Қўшимча талаблар	- Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ШНҚ 1.03.01-16 нинг 1.13 банди талаблари бажарилсин. - Шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган тартибда «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши»нинг тавсияномаси ва экспертиза ҳулосаси бўйича кўрсатилган камчиликларни бартараф этади. - Қурилиш - монтаж ишларини бошлашдан аввал Тошкент шаҳар қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциясидан қурилиш - монтаж ишларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. - Ихтисослаштириб, реконструкция қилиш ишлари тугагандан сўнг, ҳудуднинг ижро топотасирини бажариб, “Қурилишда муҳандислик кидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий текшириш Давлат институти” Давлат унитар корхонасига топширилади. - Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида қурилиш меъёрлари ва қоидалари шу билан бирга, зилзилага бардошлик, ҳамда ШНҚ 2.07.01-03* ва ШНҚ 2.08.01-19 (янги) турар - жой бинолари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари инобатга олинсин. - Шаҳарсозлик ҳужжатлари таркибида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилотнинг лойиҳа ишларини бажариш учун берилган лицензияси бўлиши лозим.
----	-------------------------	---

Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:

16	Ичимлик сув тармоғи	Ичимлик сув сарфланиши - 277,54 м.куб/кунда - Лойиҳалаштирилаётган пастки қаватида савдо - маиший хизмат кўрсатиш объекти бўлган кўп квартирали турар уй - жой биносини ичимлик сув таъминоти бўйича «Тошкент шаҳар сув таъминоти» МЧЖ нинг 11.04.2023 йилдаги 270/4- 930 - сонли техник шартига асосан, ичимлик сув таъминоти Тешик Қопқоқ ва КХАЙ кўчалари кесишувидаги АЁҚШ гача мавжуд Д - 600 мм-ли L - L - 300 п.м. тармоқ қисмини қайта қуриш шarti билан, янги қурилган Д - 600 мм-ли тармоқдан улансин. Тармоқда сув босимини пастлиги сабабли, келажакда сув истеъмоли ҳажмининг ошишини ҳисобга олган ҳолда “Қорасарой” насос станциясига қуввати Q -320,0 м.куб/соат, Н - 50 м бўлган “Grundfos, Flygt, Wilo” фирмаларининг насос агрегати ўрнатилиши кўзда тутилсин. Узлуксиз ичимлик сув таъминоти таъминлаш учун объектда тоза сув хавзаси (резервуар) қурилиши ҳамда насос агрегати ўрнатилиши кўзда тутилсин. Тоза сув хавзаси ва насос агрегатлари қуввати лойиҳалаштириш жараёнида аниқлансин. Уланиш ва тармоқ йўлини «Тошкент шаҳар сув таъминоти» МЧЖ билан келишган ҳолда лойиҳа асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин.
17	Оқава сув тармоғи (канализация)	Оқава сувининг сарфланиши - 277,54 м.куб/кунда - Лойиҳалаштирилаётган пастки қаватида савдо - маиший хизмат кўрсатиш объекти бўлган кўп квартирали турар уй - жой биноси оқава чиқинди сувини «Тошкент шаҳар сув таъминоти» МЧЖ нинг 11.04.2023 йилдаги 270/4-930 - сонли техник шартига асосан, оқава сув тармоғи КХАЙ кўчасидаги айланаси 1200 мм-ли шаҳар оқава сув коллекторининг мавжуд қудуғига улансин. Уланиш ва тармоқ йўлини «Тошкент шаҳар сув таъминоти» МЧЖ билан келишган ҳолда лойиҳа асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин.

18	Электр тармоғи	Рухсат этилган умумий қувват - 1260 кВт. Уланадиган кучланиши - 10 кВ. - Лойиҳалаштирилаётган пастки қаватида савдо - маиший хизмат кўрсатиш объекти бўлган кўп квартирали турар уй - жой биносини электр қуввати билан таъминлаш учун \"Худудий Электр Тармоқлари\" АЖ \"Давлат ва шартномавий хизматларни ривожлантириш\" филиалининг 19.04.2023 йилдаги, 01/1992 - сонли техникавий шартига асосан; - Асосий электр таъминоти. 1). Электр таъминоти 110/10 кВ \"Библиотечная\" Ним станциясида мавжуд ячейкалар туридаги икки ячейка ўрнатиб, лойиҳа асосида 10 кВ кабель электр тармоғи қурилиб, объект ҳудудида қувватига мос мойсиз трансформаторлар ўрнатиш орқали уланиш амалга оширилсин. - Захира электр таъминоти. Қўшимча (дизель, UPS) электр таъминоти. - Уланишни ва тармоқ йўлини лойиҳа асосида аниқлаб, ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин.
19	Газ тармоғи	Соатлик газ истеъмол сарфи: - 646,6 нм ³ /соат. - Лойиҳалаштирилаётган пастки қаватида савдо - маиший хизмат кўрсатиш объекти бўлган кўп квартирали турар уй - жой биносини газ билан таъминлаш учун «HUDUDGAZ ROYTAHT» Газ таъминоти филиали корхонасининг 19.04.2023 йилги, 020340 - сонли техник шартига асосан, газ қувирига уланиш жойи ҳаракатдаги айланаси - 325 мм-ли ўрта босимли, ер ости (ГТП ўрнатилиши шарт) газ қувирига улансин. Уланиш нуқтасигача бўлган масофа 500 п/м. Уланиш жойини «HUDUDGAZ ROYTAHT» Газ таъминоти корхонаси билан келишган ҳолда ҳал қилинсин. - Ушбу газ қувирига уланиб, объектгача ётқизишни лойиҳа асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин.
20	Телефон алоқа тармоғи	- Техник шартларни олиш талаб этилади.
21	Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи	- Техник шартларни олиш талаб этилади.
22	Дренаж тармоғи	- Техник шартларни олиш талаб этилади.

23	Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкилотига қўйилаётган талаблар	- Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкилотига қўйилаётган талаблар: - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил, 9-декабрдаги ПК-4545-сонли қарорининг бандлари бажарилсин; - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил, 26-декабрдаги «Электр тармоғи хужалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1050-сонли, ҳамда 1998 йил 15- майдаги, 210- сонли қарорига асосан, телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидаларига амал қилинсин. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил, 09 - сентябрдаги ПФ-220 - сонли фармонининг 6 - боб, в - банди инобатга олинсин. - Агар объект учун керакли ер ости ва усти муҳандислик иншоотлари объект ён атрофидаги корхоналар ҳудудидан ўтайдиган бўлса, ушбу корхоналар маъмурияти билан келишилган ҳолда хал қилинсин. - Объект ер майдони ҳудудидан ўтган ер ости муҳандислик иншоотларини кўчириб, бинодан ҚМҚ асосида қайта ётқизиш ишларини лойиҳалаштириш жараёнида хал қилинсин. - Ер ости муҳандислик иншоотларини ётқизишда кўчаларни ёпик ҳолда кесиб ўтишни мутасадди ташкилотлар билан келишилсин. - Муҳандислик тармоқлари ётқизилгандан сўнг, унинг ижро сурати тушурилган 1:500 нисбатдаги топохаритаси “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий текшириш Давлат институти” Давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар филиалига топширилсин. - Муҳандислик тармоқлари лойиҳасини, ўрнатилган тартибда манфаатдор корхона ва ташкилотлар ҳамда Тошкент шаҳар Қурилиш Бош бошқармасининг Қурилишни муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш бўлими билан келишиши талаб этилади.
24	Архитектура-режалаштириш топшириғининг амал қилиш муддати	- Ушбу Архитектура режалаштириш топшириғи берилган санадан бошлаб икки йил давомида амал қилади.



ТАЪРИФНОМА

1. "FUTURE UNIVERSE DEVELOPMENT" масъулияти чекланган жамиятига Олмазор тумани, Мискин МФЙ, Кичик халқа автомобиль йўли кўчаси, 5а – уй манзилидаги ўз ер майдонида "Пастки каватларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти бўлган, кўп квартирали турар уй – жой биноси" ни қуриш бўйича, 1-рақам орқали лойиҳа ишларини бажариш учун кўрсатилган жой.
2. Кўп каватли турар – жой бинолари.
3. "OLMAZOR BUSINESS CITY" корхонасининг идора биноси.
4. "Тешик - Қопқок" кабритони худуди.

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

	Қурилган ичимлик сув қувури.
	Лойиҳалаштирилаётган ичимлик сув қувури.
	Қурилган оқова сув қувури.
	Лойиҳалаштирилаётган оқова сув қувури.
	Қурилган ўрта босимли газ қувури.
	Лойиҳалаштирилаётган ўрта босимли газ қувури.
	Лойиҳалаштирилаётган юқори қувватли электр сими.

АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:

Архитектура-режалаштириш топшириғини
ишлаб чиқиш бўлими раҳбари:

Ж.Ш.Рахимов

Архитектура-режалаштириш топширигини тайёрлаган мутахассис:	М.З.Хабибов
--	-------------

АРТ лойиҳаолди ҳужжат бўлиб, ер участкаси ёки бино ва иншоотга мулк ҳуқуқини тасдиқламайди ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун асос ҳисобланмайди.

RAXIMOV JASUR SHAVKATOVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини gero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

9404

